

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 йил  
ЯНВАРЬ–МАРТ**

**Урганч – 2018**

## СЎЗ БОШИ

Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси Хоразм вилоятининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Хоразм вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-март ойлари яқунлари бўйича Хоразм вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 12 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Дастлабки ҳисобларга асосан келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

### Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи худудий маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м.	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3) , .....)	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

## МУНДАРИЖА

Номи	бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	6
<b>I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ</b>	<b>7-9</b>
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	7-9
<b>II. САНОАТ</b>	<b>10-13</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	10-13
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>14-18</b>
Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	15-17
Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари	17-18
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ</b>	<b>19-22</b>
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши	19
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	20
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	21-22
<b>V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	<b>23-26</b>
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	23-26
<b>VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ</b>	<b>27-28</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони	27
Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юримдик шахслар мулкчиликлари шакллари	28
<b>VII. ХИЗМАТЛАР</b>	<b>29-30</b>
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	29-30
<b>VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА</b>	<b>31-32</b>
Юк ташиш	31
Йўловчи ташиш	32

Номи	бет.
<b>IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ</b>	<b>33</b>
Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари	33
<b>X. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ</b>	<b>34-37</b>
Вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши	34-35
Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда	36
Вилоят экспорт-импорти таркиби	36
МДХ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби	37
<b>XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ</b>	<b>38-43</b>
Доимий аҳоли сони	38
Аҳолининг табиий ҳаракати	39-41
Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони	42
Миграция	43
<b>XII. БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ</b>	<b>44-47</b>
Меҳнат ресурслари	44-45
Бандликка кўмаклашувчи марказларига иш қидириб мурожаат этган ва рўйхатга олинганлар	46
Иш билан таъминланган аҳоли сони	47

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар  
2018 йил январь–март**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	1858,7	106,1
Саноат маҳсулоти	1273,9	120,2
Истеъмол товарлари	742,9	125,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	348,3	100,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	368,2	115,1
Қурилиш ишлари	324,1	98,2
Юк айланмаси (млн. тн-км)	116,0	106,0
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	1637,7	101,8
Чакана товар айланмаси	1089,1	107,0
Хизматлар, жами	926,4	105,0
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	53,5	72,1
Экспорт (млн. АҚШ долл)	22,4	60,7
Импорт (млн. АҚШ долл)	31,1	83,3
Сальдо (+;-) (млн. АҚШ долл)	-8,7	x

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 1858,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 106,1 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 121,9 фоизни ташкил қилди.

### 2018 йил январь-март ойлари учун ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари (фоиз ҳисобида)



Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 100,9 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 12,8 фоиз), саноат – 117,3 фоиз (25,7 фоиз), қурилиш – 98,2 фоиз (8,2 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 102,3 фоиз (9,5 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,2 фоиз (11,4 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,1 фоиз (32,4 фоиз) ни ташкил қилди.


**2018 йил январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий  
маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

	млрд.сўм		2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-март	2018 йил январь-март	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>1437,0</b>	<b>1858,7</b>	<b>106,1</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1370,8	1761,8	106,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	66,2	96,9	106,8
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>1370,8</b>	<b>1761,8</b>	<b>106,1</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	170,9	224,7	100,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	411,5	597,6	111,4
саноат	285,1	452,8	117,3
қурилиш	126,4	144,9	98,2
Хизматлар	788,4	939,5	104,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	134,5	167,8	102,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	185,3	201,3	104,2
бошқа хизматлар	468,7	570,4	105,1

2018 йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири 117,3 фоиз - саноат тармоғи ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 47,6 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-март ойларида 52,4 фоизни ташкил қилган.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби**  
январь–декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



2018 йилнинг январь-март ойларида ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 53,3 фоизни ташкил қилди, бу эса 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 4,2 пунктга камдир (57,5 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 2,1 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 11,4 фоизни ташкил қилди. Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2017 йил январь-март ойларидаги 34,2 фоиздан 2018 йил январь-март ойларида 32,4 фоизга тушди.

## II. САНОАТ

2018 йил январь-март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1273,9 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 120,2 фоизни ташкил этди.


Ҳисобот даврида 742,9 млрд. сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-март ойларига нисбатан 125,1 фоизни ташкил этди.

Жумладан, 199,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 534,8 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-март ойларига нисбатан мос равишда 108,2 фоиз ва 133,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-март ойларида 4,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби январь-март ҳолатига (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-март



2018 йил январь-март



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш


**2018 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
<b>Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>1273,9</b>	<b>120,2</b>
<b>Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>0,1</b>	<b>107,8</b>
<i>улардан:</i>		
Тоғ- кон саноатига боғлиқ бошқа фаолият	0,1	107,8
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>1200,8</b>	<b>119,6</b>
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	234,0	101,3
Ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	36,9	127,3
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	324,7	104,8
Кийим ишлаб чиқариш	19,6	96,3
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1,2	102,7
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, ишлаб чиқариш	1,0	107,5
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш	2,8	105,2

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,2	107,7
Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,0	0,0
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2,3	105,0
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	1,1	102,8
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	4,9	115,8
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	36,6	108,5
Металлургия саноати	1,7	107,2
Машина ва ускуналардна ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	28,0	132,8
Компьютер ва электрон оптикали маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,2	107,7
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	4,6	106,4
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	24,3	107,6
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	444,5	153,9
Мебель ишлаб чиқариш	4,9	109,3
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	23,8	93,4
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш ҳамда тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	3,6	94,1

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	64,9	127,3
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	8,2	164,4
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>742,9</b>	<b>125,1</b>
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	199,5	108,2
ноозик-овқат товарлари	534,8	133,4

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**  
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан фоизда)




### Ш. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 348,3 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 100,9 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 4,3 млрд. сўмни (101,4 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 0,04 млрд. сўмни (100,5 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 1,5 млрд. сўмни (100,0 фоиз) ташкил қилди.


#### 2018 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида энг катта улушни деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари хўжаликлари эгаллаган бўлиб, 2018 йил январь-март ойларида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 94,1 фоизини ташкил қилди (2017 йил январь-мартида – 94,4 фоиз), фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 3,8 фоизи ишлаб чиқарилган (2017 йил январь-мартида 3,6 фоиз), шунингдек, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 2,1 фоизи ишлаб чиқилган.

**2018 йилнинг январь-мартида хуудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми**



Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 921 тонна сабзавот (1,2 фоизга кўп) йиғиб олинди, 18 тонна мева ва резаворлар (100,0 фоизга кўп) етиштирилди.

**Чорвачилик.** 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,0 фоизга (жами 856,5 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,8 фоизга (330,4 минг бош), кўй ва эчкилар 101,3 фоизга (401,3 минг бош), отлар 100,8 фоизга (5,4 минг бош), паррандалар 100,4 фоизга (5027,1 минг бошга), кўпайган.

Барча хуудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,5 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 72,0 фоизни ташкил этди.

## 2018 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>856,5</b>	<b>101,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	59,4	96,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	790,4	101,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	6,7	104,7
<b>улардан: сигирлар</b>	<b>330,4</b>	<b>100,8</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	21,4	91,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	307,0	101,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	2,0	105,3
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>401,8</b>	<b>101,3</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	31,0	104,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	369,1	100,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,7	113,3
<b>Отлар</b>	<b>5,4</b>	<b>100,8</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	0,6	104,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	4,8	100,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,06	121,7
<b>Паррандалар</b>	<b>5113,3</b>	<b>100,4</b>

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
--	-----------------	----------------------------

*шу жумладан:*

Фермер хўжаликларида	731,0	64,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	3511,2	112,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	871,1	101,5

### **2018 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
--	----------------	----------------------------

**Гўшт (тирик вазнда), минг тн. 32,7 100,9**

*шу жумладан:*

Фермер хўжаликларида	0,9	103,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	31,6	100,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	0,2	103,0
<b>Сут, минг тн.</b>	<b>191,0</b>	<b>102,4</b>

*шу жумладан:*

Фермер хўжаликларида	6,9	96,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	183,6	102,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	0,5	97,2
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>98,7</b>	<b>100,4</b>

*шу жумладан:*

Фермер хўжаликларида	7,9	88,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	52,1	100,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	38,7	103,5

**Фермер хўжаликлари.** 2018 йилнинг январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 12,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 97,9 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 3,8 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 59,4 минг бош йирик шоҳли қорамол, шу жумладан 21,4 минг бош сигир, 31,0 минг бош қўй ва эчкилар, 731 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шоҳли қорамоллар сони 96,7 фоизни, шу жумладан сигирлар 91,1 фоизни, қўй ва эчкилар 104,7 фоизни, паррандалар 64,9 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	<i>январь-март</i>				<i>2017 январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	<i>2017 йил</i>		<i>2018 йил</i>		
	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз</i>	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз</i>	
Сабзавот	110	12,0	116	13,0	105,5
Гўшт, <i>тирик вазнда</i>	890	2,7	925	2,8	103,9
Сут	7125	3,8	6895	3,6	96,8
Тухум, <i>млн. дона</i>	9,0	9,2	7,9	8,0	88,1

## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 368,2 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилиб (115,1 фоиз), шундан хорижий инвестициялар 28,6 млрд. сўм (3,5 млн АҚШ доллари эквивалентида)ни (7,8 фоиз) ташкил этди.

### 2018 йил январь-март ойларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>368,2</b>	<b>115,1</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>59,3</b>	<b>173,6</b>	<b>16,1</b>
бюджет маблағлари	20,7	133,7	5,6
давлат мақсадли фонд маблағлари	6,5	308,7	1,8
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	7,4	114,8	2,0
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	24,7	243,4	6,7
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>308,9</b>	<b>108,2</b>	<b>83,9</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	113,4	113,4	30,8
аҳоли маблағлари	109,3	69,0	29,7
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	3,9	170,2	1,1
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	82,3	364,0	22,3

## Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби


(2018 йил январь-март)

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	368,2	56,9	311,3
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	262,8	41,2	221,6
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	95,0	14,2	80,8
бошқа харажатлар	10,4	1,5	8,9

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 5,0 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 9,1 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа харажатларнинг улуши 4,2 фоизли пунктга камайган.

### Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(январь-март ҳолатига)



Вилоятда асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари 2018 йил январь-март ойларида мос равишда 16,1 фоиз ва 83,9 фоизларни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткичларнинг улушлари ўтган йилнинг шу даврида 10,6 фоиз ва 89,4 фоизларни ташкил қилди.

2018 йил январь-март ойларида умумий майдони 118,0 минг кв.м. бўлган 588 та (2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 68,1 фоиз) шу жумладан қишлоқ жойларида 89,9 минг кв.м.(66,6) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 130,0 млрд.сўми ёки 35,3 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 2,0 км узунликдаги ичимлик суви, 2,1 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан мос равишда 48,8 ва 17,7 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 160,0 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 210,0 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

2018 йил январь-мартда умумий майдони 118,0 минг кв.м. бўлган 588 та уй ёки 588 та квартира (2017 йилнинг январь–мартига нисбатан 68,1 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 89,9 минг кв.м. (66,6 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 2,0 км сув тармоқлари (2,0 км қишлоқ жойларда) ва 2,1 км газ тармоқлари (2,1 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, мос равишда 2017 йил январь–мартига нисбатан 21,5 ва 67,7 фоизни, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич сув тармоқлари 100,0 фоизни, газ тармоқлари 100,0 фоизни ташкил қилди.

Сув тармоқлари қурилишига 0,2 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,2 млрд. сўм (100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 0,2 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 0,2 млрд. сўм (умумий ҳажмининг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-март ойларида 324,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,2 фоизни ташкил этди.

### Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби


	январь–март	
	2017 й.	2018 й.
<b>Қурилиш ишлари, млрд. сўм</b>	<b>282,7</b>	<b>324,1</b>
<i>шу жумладан:</i>		
давлат	10,6	12,8
нодавлат	272,1	311,3

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,9 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 10,5 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 7,6 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу

жумладан умумий ҳажмдан 73,7 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 311,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,1 фоизни (2017 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 98,0 фоизни) ташкил қилди.


**Январь-март ҳолатига мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



## V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг январь-март ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 11629 тага ташкил қилди. Вилоят бўйича кичик тадбиркорлик корхона ва ташкилотларининг сони Урганч шаҳрида 2965 та, Хива шаҳрида 1128 та, Хива туманида 1299 та, Урганч туманида 1233 та, Хонқа туманида 847 та, Янгиариқ туманида 784 та, Ҳазорасп туманида 712 та, Гурлан туманида 659 та, Қўшқўпир туманида 593 та, Боғот туманида 522 та, Шовот туманида 487 та ва Янгибозор туманида 400 тани ташкил қилди.

### Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2018 йил январь–март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 33,6 фоизи), саноат тармоғида (21,8 фоиз), қурилишда (15,1 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (9,3 фоиз) ташкил этилган.

2018 йил январь-март ойларида вилоятда рўйхатга олинган 450 та кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 122 та, Урганч туманида 69 та, Хонқа туманида 37 та, Янгиариқ туманида 35 та, Хива шаҳрида 32, Ҳазорасп туманида 29 та, Гурлан туманида 26 та, Шовот туманида 23 та, Хива туманида 21 та, Қўшқўпир туманида 20 та, Боғот туманида 19 та ва Янгибозор туманида 17 тани ташкил.

**Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони**  
(бирлик, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	2018 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-мартда	
		ташкил топди	туғатилди
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>11629</b>	<b>450</b>	<b>174</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Урганч	2965	122	25
Хива	1128	32	2
<i>туманлар:</i>			
Боғот	522	19	44
Гурлан	659	26	9
Қўшқўпир	593	20	8
Урганч	1233	69	19
Ҳазорасп	712	29	15
Хонқа	847	37	5
Хива	1299	21	16
Шовот	487	23	5
Янгиарик	784	35	20
Янгибозор	400	17	6

2018 йил январь-март ойларида вилоятда рўйхатга олинган 450 та кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 122 та, Урганч туманида 69 та, Ҳонқа туманида 37 та, Янгиариқ туманида 35 та, Хива шаҳрида 32, Ҳазорасп туманида 29 та, Гурлан туманида 26 та, Шовот туманида 23 та, Хива туманида 21 та, Қўшқўпир туманида 20 та, Боғот туманида 19 та ва Янгибозор туманида 17 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 47,6 фоизи (2017 йил январь-мартда 52,6 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 350,8 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 27,5 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 100,7 фоизни ташкил қилди;

- 343,9 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,0 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлар ялпи маҳсулотининг 98,7 фоизи) ташкил қилди;

- 219,5 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 62,5 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 96,2 фоизни ташкил қилди;

- 297,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 91,9 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 96,6 фоизни ташкил қилди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 102,5 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 89,3 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 80,5 фоизи ёки 876,2 млрд. сўми (ўсиш 97,7 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 69,3 фоизи ёки 642,3 млрд. сўми (ўсиш 100,0 фоиз) шакллантирилди;

- 14,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 65,3 фоизи) миқдорда маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 30,1 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 96,5 фоизи) миқдорда маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши  
(2018 йилнинг январь-март)**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	343,9	98,7
Саноат	350,8	27,5
Қурилиш	297,7	91,9
Чакана савдо	876,2	80,5
Юк ташиш, млн тн.	4,9	91,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	80,2	94,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	14,6	65,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	30,1	96,5

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши  
(фоизда)**



## VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 14614 тани ташкил қилиб, шундан 13972 таси ёки ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 3475 та (23,8 фоизи), саноат 2281 та (15,6 фоизи), қурилиш 1580 та (10,8 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1121 та (7,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

### Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари (2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>14614</b>	<b>100,0</b>	<b>13972</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1125	7,7	1072	7,7
саноат	2281	15,6	2190	15,7
қурилиш	1580	10,8	1519	10,9
савдо	3475	23,8	3328	23,8
ташиш ва сақлаш	565	3,9	545	3,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	807	5,5	759	5,4
ахборот ва алоқа	234	1,6	221	1,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	310	2,1	301	2,2
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4237	29,0	4037	28,9

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 13,8 фоизи давлат мулкани ташкил этиб, қолган 86,2 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан

28,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,3 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 57,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**2018 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган хўжалик юритувчи  
субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари**  
(умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



2018 йил январь-мартда жами 519 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 450 та). Уларнинг асосий қисми Урганч шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 25,2 фоизи), Урганч (15,9 фоиз) ва Янгиариқ (9,0 фоизи) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 29,1 фоизи савдо, 18,8 фоизи саноат, ва 13,1 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 181 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 51 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 28,1 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

## VII. ХИЗМАТЛАР

2018 йил январь-мартида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 926,4 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 300,2 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 32,4 фоизини ташкил қилди. 2017 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 105,0 фоизни ташкил этди.

### Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг январь-март ойларида)


	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>926,4</b>	<b>105,0</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан:</i> хизмат турлари бўйича			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	71,9	113,9	7,8
молиявий хизматлар	117,4	119,3	12,7
транспорт хизмати	263,9	101,6	28,5
<i>шу жумладан:</i> автотранспорт хизматлари	254,2	101,6	27,4
яшаш ва овқатланиш хизматлари	21,1	105,2	2,3
савдо хизматлари	249,5	101,4	26,9
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	32,1	100,9	3,5
таълим соҳасидаги хизматлар	34,4	113,4	3,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	17,8	111,0	1,9
ижара ва прокат хизматлари	21,4	102,0	2,3
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	34,6	100,1	3,7

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
бошқа шахсий хизматлар	30,7	100,1	3,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	7,6	103,2	0,8
бошқа турдаги хизматлар	24,0	105,7	2,6

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматларига (26,9 фоизи) транспорт хизматларига (28,5 фоизи) ва автотранспорт хизматларига (27,4 фоизи) тўғри келади.

Шунингдек, таълим соҳасидаги хизматлар (113,4 фоиз), молиявий хизматлар (119,3 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (113,9 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматлари (105,2 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (111,0 фоиз), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (103,2 фоиз) ва бошқа турдаги хизматларда (105,7 фоиз) ўсиш суръатлари юқори бўлди.

**2018 йилнинг январь-март ҳолатига хизматлар таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда, катта улушга эга бўлганлар)



Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 26,9 фоизи), транспорт хизматлари (28,5 фоизи), молиявий хизматлар (12,7 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (7,8 фоизи) ҳиссасига тўғри келди.

## VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

**Юк ташиш.** 2018 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 5,4 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 116,0 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 6,0 фоизга кўпайди.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари

	<i>2018 йил январь-март</i>	<i>2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ташилган юк, <i>млн. тн.</i>	5,4	103,6

*шу жумладан:*

Автомобиль транспортида	5,4	103,6
Юкайланмаси, <i>млн. тн-км</i>	116,0	106,0

*шу жумладан:*

Автомобиль транспортида	116,0	106,0
-------------------------	-------	-------

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-мартга нисбатан 101,1 фоизга кўпайди ва 82,0 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 70,7 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-мартда 74,1 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2018 йил январь-март ойларида барча транспорт турлари томонидан 85,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 1,8 фоизга кўпайиб, 1637,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

## Йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси транспорт турлари

	<i>2018 йил январь-март</i>	<i>2017 йил январь- мартганисбатанфоиз ҳисобида</i>
Ташилган йўловчи, млн. йўловчи.	85,4	101,2
<i>шу жумладан:</i>		
Автомобиль транспортида	85,3	101,3
ички электротранспортда	0,1	68,6
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	1641,1	101,7
<i>шу жумладан:</i>		
Автомобиль транспортида	1637,7	101,8
ички электротранспорт	3,4	68,6

2018 йил январь-март ойларида вилоят бўйича барча турдаги транспорт воситаларида 85,4 млн. кишига хизмат кўрсатилиб, 2017 йил январь-мартга нисбатан 101,2 фоизга ошган, шу жумладан автомобиль транспортида 85,3 млн. кишига хизмат кўрсатилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 101,3 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-март ойларида вилоят бўйича йўловчи айланмаси 1641,1 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди ва 2017 йил январь-мартга нисбатан 101,7 фоизга ошган, шу жумладан автомобиль транспорти йўловчи айланмаси 1637,7 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 101,8 фоизга ошди.

## IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 1089,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,0 фоизга ўсди.

### Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>1089,1</b>	<b>107,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	0,2	76,4	0,02
нодавлат мулки	1088,9	107,0	99,98

Йирик савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-мартда 212,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 175,4 фоизга ошган.

Кичик тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 790,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,9 фоизни ташкил қилган.

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 13,7 млрд. сўмга етди ёки 2017 йил январь-мартга нисбатан 106,3 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 602,6 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 105,3 фоиз булиб (2017 йил январь-март ойларида 463,8 минг сўмни ташкил этган).

### 2018 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>1089,1</b>	<b>107,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	212,9	175,4	19,5
кичик тадбиркорлик	790,5	98,9	72,6
уюлмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	85,7	88,3	7,9


## X. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

2018 йилнинг январь-март ташқи савдо айланмаси 53,5 млн. АҚШ долларини, жумладан 22,4 млн. АҚШ долларини, экспорт операциялари, 31,1 млн. АҚШ долларини импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси -8,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.


### 2018 йилнинг январь-мартда МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн АҚШ доллари)

	январь-март		2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 й.	2018 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>74,2</b>	<b>53,5</b>	<b>72,1</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	16,5	22,1	133,7
бошқа давлатлар	57,6	31,3	54,4
<b>Экспорт</b>	<b>36,8</b>	<b>22,3</b>	<b>60,7</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	9,7	11,6	120,2
бошқа давлатлар	27,1	10,7	39,4
<b>Импорт</b>	<b>37,4</b>	<b>31,1</b>	<b>83,3</b>
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	6,8	10,5	152,6
бошқа давлатлар	30,5	20,6	67,7


**МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши (январь-март)**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




**Товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси**  
(2018 йилнинг январь-мартда , фоизда)



**Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда**  
(2018 йил январь–март)




**Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда**  
(2018 йил январь–март)



Вилоят экспорти ҳажмида энг катта улушга эга бўлиб, жами экспорт ҳажмининг 59,9 фоизини, шунингдек, жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти энг катта улушга эга бўлиб, жами импорт ҳажмининг 46,0 фоизини ташкил қилди.


**МДХ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган  
ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:  
2018 йилнинг январь–мартида**

**Экспорт**



- |   |                       |
|---|-----------------------|
| ■ пахта толаси                            | ■ машина ва ускуналар |
| ■ кимё ва ундан ясалган буюмлар           | ■ хизматлар           |
| ■ оziқ-овқат маҳсулотлари                 | ■ бошқалар            |
| ■ энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари |                       |

**Импорт**



- |   |                            |
|---|----------------------------|
| ■ машина ва ускуналар                     | ■ қора ва рангли металллар |
| ■ кимё ва ундан ясалган буюмлар           | ■ хизматлар                |
| ■ оziқ-овқат маҳсулотлари                 | ■ бошқалар                 |
| ■ энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари |                            |

## XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1810,1 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 5342 кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

### Доимий аҳоли сони (2018 йил 1 апрель ҳолатига, минг киши ҳисобида)

	Жами аҳоли <sup>1)</sup>	шу жумладан:	
		шаҳар аҳолиси <sup>1)</sup>	қишлоқ аҳолиси <sup>1)</sup>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>1810,1</b>	<b>602,7</b>	<b>1207,4</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Урганч ш	140,5	140,5	-
Хива ш	89,5	89,5	-
<i>туманлар:</i>			
Боғот	158,5	27,8	130,7
Гурлан	143,6	61,2	82,4
Қўшқўпир	166,0	42,8	123,2
Урганч	190,9	25,6	165,3
Ҳазорасп	240,0	52,2	187,8
Хонқа	180,2	61,9	118,3
Хива	140,3	16,4	123,9
Шовот	163,9	42,6	121,3
Янгиариқ	112,2	26,6	85,6
Янгибозор	84,5	15,6	68,9

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда шаҳарда яшовчи доимий аҳоли сони 602,7 минг кишини ёки вилоят доимий аҳоли сонининг 33,3 фоизини, қишлоқ жойларида яшовчи доимий аҳоли сони эса 1207,4 минг кишини ёки вилоят доимий аҳоли сонининг 66,7 фоизини ташкил қилди.

**Туғилиш.** 2018 йилнинг январь-март ойларида туғилганлар сони 7158 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (7419 киши) нисбатан 261 тага камайди. Туғилиш коэффиценти мос равишда 16,1 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (16,9 промилле) нисбатан 0,8 промиллега камайди.

**Аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари**  
(1 апрель ҳолатига, 1000 аҳоли сонига нисбатан)


	Туғилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2017й.	2018й. <sup>1)</sup>	2017й.	2018й. <sup>1)</sup>	2017й.	2018й. <sup>1)</sup>

<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>16,9</b>	<b>16,1</b>	<b>4,6</b>	<b>4,0</b>	<b>12,3</b>	<b>12,1</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Урганч	18,1	17,9	6,4	5,7	11,7	12,2
<i>туманлар:</i>						
Боғот	17,7	16,3	4,6	3,7	13,1	12,6
Гурлан	18,6	16,4	5,0	3,9	13,6	12,5
Кўшкўпир	14,4	13,9	3,8	3,8	10,6	10,1
Урганч	16,7	16,4	4,1	4,1	12,6	12,3
Ҳазорасп	18,6	16,9	4,4	3,9	14,2	13
Хонқа	17,1	18,7	4,2	3,9	12,9	14,8
Хива	14,6	12,2	4,6	3,1	10,0	9,1
Шовот	16,6	15,9	4,7	3,5	11,9	12,4
Янгиариқ	15,7	14,0	4,3	4,2	11,4	9,8
Янгибозор	18,9	17,8	4,9	4,3	14,0	13,5

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

## Аҳолининг табиий ҳаракати 2018 йил январь-март ойларида

(ҳар минг кишига нисбатан)



## Аҳолининг табиий ҳаракати

(2018 йил 1 апрель ҳолатига, 1000 аҳоли сонига нисбатан)

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>
Туғилганлар	7419	7158	-261	16,9	16,1
Ўлганлар	2009	1800	-209	4,6	4,0
шу жумладан: бир ёшгача болалар	145	97	-48	15,1	10,5
Табиий ўсиш	5410	5358	-52	12,3	12,1
Никоҳлар сони	5255	5555	300	12,0	12,5
Ажралишлар сони	383	258	-125	0,9	0,6


<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

Вилоятнинг Гурлан (18,6 дан 16,4 промиллега), Ҳазорасп (18,6 дан 16,9 промиллега), Шовот (16,6 дан 15,9 промиллега), Янгиариқ (15,7 дан 14,0 промиллега), туманларида туғилиш даражасининг камайиши кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2018 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 1800 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (2009 киши) нисбатан 209 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 4,0 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-мартида 4,6 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Урганч шаҳрида (6,4 дан 5,7 промиллега), Боғот (4,6дан 3,7промиллега), Гурлан(5,0 дан 3,9 промиллега), Ҳазорасп (4,4 дан 3,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганларнинг умумий сонидан 61,7 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 11,9 фоизи – ўсма касалликларидан, 4,4 фоизи – бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан, 5,1 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 3,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликликларидан ва 12,1 фоизи бошқа касалликлардан вафот этган.



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-март ойларида бир ёшга тўлмаган 97 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 1000 туғилган болаларга нисбатан 10,5 промиллени ( ўтган йилнинг шу даврида 15,1 промилле) ташкил қилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 62,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 9,3 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 20,6 фоизи – туғма аномалиялардан ва 4,1 фоизи инфекция ва паразитар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2018 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 5555 та никоҳлар ва 258 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 12,5 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида 12,0 та) ва 0,6 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида 0,9 га) тўғри келади.

Тузилган никоҳлар сонининг кўпайиши Гурлан (11,4 дан 13,5 ромиллега), Хива (12,7 дан 15,2 промиллега), Янгиариқ (12,2 дан 15,0 промиллега), Шовот (11,4 дан 13,8 промиллега) туманларида кузатилди.


Вилоятда никоҳдан ажралишлар сони 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан Урганч шаҳрида 0,7 промиллега, Қўшқўпир туманида 0,6 промиллега, Урганч туманида 0,3 промиллега, Хива ва Янгиариқ туманларида 0,5 промиллега камайиши кузатилди.

**Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони**  
(январь-март ойларида, 1000 аҳоли сонига нисбатан)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017й.	2018й. <sup>1)</sup>	2017й.	2018й. <sup>1)</sup>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>12,0</b>	<b>12,5</b>	<b>0,9</b>	<b>0,6</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Урганч	9,6	8,1	2,1	1,4
<i>туманлар:</i>				
Боғот	12,5	12,2	0,5	0,5
Гурлан	11,4	13,5	0,9	0,7
Қўшқўпир	16,1	16,3	0,9	0,3
Урганч	10,2	9,1	1,0	0,7
Ҳазорасп	11,6	11,4	0,8	0,6
Хонқа	11,5	11,3	0,6	0,6
Хива	12,7	15,2	0,6	0,1
Шовот	11,4	13,8	0,6	0,4
Янгиарик	12,2	15,0	1,1	0,6
Янгибозор	13,0	13,6	0,8	0,5

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

**2018 йил январь-март ҳолатига никоҳ ва ажрим коэффиценти**  
(ҳар 1000 аҳолига, промилле)



**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1973 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 2215 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 242 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 171 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиғлар Урганч шаҳрида (минус 120), Гурлан туманида (минус 52), Янгибозор туманида (минус 28) кузатилди.

## ХП. БАНДЛИК ВА МЕХНАТ БОЗОРИ

Мехнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-мартга нисбатан 101,3 фоизга кўпайиб, 1008,3 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 55,7 фоизини ташкил қилди.

### Мехнат ресурслари <sup>1)</sup>

(2018 йил 1 апрель ҳолатига, минг киши)

	Мехнат ресурслари сони
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>1008,3</b>
<i>шаҳарлар:</i>	
Урганч	107,4
Хива	
<i>туманлар:</i>	
Боғот	84,0
Гурлан	84,7
Қўшқўпир	88,2
Урганч	98,0
Ҳазорасп	126,9
Хонқа	95,3
Хива	120,8
Шовот	88,4
Янгиариқ	63,2
Янгибозор	51,4

2018 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 6227 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб Урганч шаҳарда 657 та, Хива шаҳрида 147 та, Боғот туманида 594 та, Гурлан туманида 615 та, Қўшқўпир туманида 545 та, Урганч туманида 600 та, Ҳазорасп туманида 486 та, Хонқа туманида 513 та, Хива туманида 227 та, Шовот туманида 790 та, Янгиариқ туманида 675 та, Янгибозор туманида 378 та фуқаро мурожаат этган.

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 2465 та нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич Урганч шаҳарда (375 кишига), Хива шаҳрида (69 кишига) Боғот туманида (308 кишига), Гурлан туманида (292 кишига), Қўшқўпир туманида (190 кишига), Урганч туманида (226 кишига), Ҳазорасп туманида (232 кишига), Хонқа туманида (172 кишига), Хива туманида (108 кишига), ва Шовот туманида (255 кишига), Янгиариқ туманида (110 кишига), Янгибозор туманида (128 кишига) юқори даражада бўлди.


Жорий йил мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 192 нафари ишсизлик мақомини олган.

**Бандликка кўмаклашувчи марказларига иш қидириб мурожаат этган ва рўйхатга олинганлар сони (1 апрель ҳолатига, киши)**

	Бандликка кўмаклашувчи марказларига иш қидириб мурожаат этганлар сони		жумладан, расман ишсиз мақомини олганлар		улардан, ишсизлик нафақаси ажратилганлар сони	
	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й. <sup>1)</sup>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>3307</b>	<b>6227</b>	<b>483</b>	<b>192</b>	<b>124</b>	<b>45</b>
<i>шаҳар ва туманлар:</i>						
Урганч	459	657	37	7	27	6
Хива	-	147	-	10	-	-
Боғот	312	594	71	3	8	3
Гурлан	481	615	41	26	13	8
Қўшқўпир	270	545	20	3	8	2
Урганч	231	600	54	57	5	8
Ҳазорасп	287	486	41	2	12	2
Хонқа	322	513	44	5	16	4
Хива	214	227	14	13	2	-
Шовот	358	790	80	51	11	1
Янгиариқ	167	675	34	5	15	4
Янгибозор	206	378	47	10	7	7

## Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони

2017 йил (январь-март, киши)



2018 йил (январь-март, киши)



**Иш билан таъминланган аҳоли сони<sup>1)</sup>**  
(2018 йил январь-март ҳолатига, киши)

	2017 йил	2018 йил
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>2681</b>	<b>2465</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Урганч	396	375
Хива	-	69
<i>туманлар:</i>		
Боғот	227	308
Гурлан	428	292
Қўшқўпир	244	190
Урганч	177	226
Ҳазорасп	246	232
Хонқа	278	172
Хива	184	108
Шовот	235	255
Янгиариқ	113	110
Янгибозор	153	128

**Ишсизлик<sup>1)</sup>.** Жорий йилнинг январь-март ойларида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 192 нафари ишсизлик мақомини олган.

<sup>1)</sup> вилоят меҳнат бош бошқармаси маълумотларига асосан